Абдуллаева Дилноза Нарзуллаевна,
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, «География ва уни ўқитиш методикаси" кафедраси доценти вазифасини бажарувчи

МАКТАБ ГЕОГРАФИК ТАЪЛИМИ ОРҚАЛИ ГЕОЭКОЛОГИК МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

УДК: 37.03
DOI: 10.34920/SO/VOL_2022_ISSUE_12_5

АБДУЛЛАЕВА Д.Н. МАКТАБ ГЕОГРАФИК ТАЪЛИМИ ОРҚАЛИ ГЕОЭКОЛОГИК МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Мақолада геоэкологик маданиятни шакллантириш жараёни мактаб география фани таълими орқали амалга оширилиши билан боғлиқ масалаларни назарий жиҳатдан ўрганилишига бағишланган. Муаллиф, илмий изланишлари натижасида олган фикр ва мулоҳазаларини баён этиб, муаммонинг истиқболдаги ўрганиш векторини белгилашга ҳаракат қилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: барқарор ривожланиш, география, экология, геоэкология, геоэко-ижтимоий тизим, методика.

АБДУЛЛАЕВА Д.Н. ВОПРОСЫ ФОРМИРОВАНИЯ ГЕОЭКОЛОГИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ ПОСРЕДСТВОМ ШКОЛЬНОГО ГЕОГРАФИЧЕСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ

Статья посвящена теоретическому изучению вопросов, связанных с процессом формирования геоэкологической культуры посредством школьного географического образования. Автор попытался определить вектор дальнейшего изучения проблемы, изложив мнения и замечания, полученные им в результате своего научного исследования.

Ключевые слова и понятия: устойчивое развитие, география, экология, геоэкология, геоэкосоциальная система, методология.

ABDULLAYEVA D.N. ISSUES OF FORMING GEOECOLOGICAL CULTURE THROUGH SCHOOL GEOGRAPHICAL EDUCATION

The article is devoted to the theoretical study of issues related to the process of formation of geoecological culture through school geographical education. The author tried to determine the vector for further study of the problem, outlining the opinions and comments received by him as a result of his scientific research.

Key words and concepts: sustainable development, geography, ecology, geoecology, geoecological system, methodology.

Кириш. Биз яшаётган аср инсоният тарихида, инсон фаолияти ва маданиятининг қадрият-когнитив асосларини барқарор ривожланиш йўналишида, тубдан қайта қуриш билан боғлиқ сифат жиҳатидан янги босқич, дея баҳоланмоқда. Шу муносабат билан илмий билимларнинг табиий ва ижтимоий-гуманитар соҳаларида цивилизациянинг барқарор ривожланиши масаласи марказий ўрин эгалламоқда. Илмий доираларда, инсониятнинг барқарор тараққиёт йўлига ўтишнинг назарий ва услубий асослари яратилмоқда. Унда замонавий даврнинг янги мазмундаги фан билан боғлиқ хусусиятлари ўз аксини топиб, билишнинг инсонни қамраб олувчи моделларидан фойдаланган ҳолда, экологик ривожланиш ғоялари билан, инсон ва табиатнинг уйғун, мувозанатли ўзаро таъсирини, инсон ҳаёти билан мослаштириш ва ташкил этиш усули сифатида, барқарор ривожланиш маданиятни шакллантириш таклиф қилинмоқда.

Ўзбекистоннинг ўзига хослиги шундаки, унда аҳолининг маълум қисми афсуски, экологик маданиятга эътиборсиз бўлиб, фақат маълум экологик маълумотларга эга ва улардан фойдаланишни билади. Аҳолининг аксарият қисми учун эса, географик маданият камроқ маълум бўлган тушунча бўлиб қолмоқда. Бироқ, Ердаги барча жараёнлар – табиий бўлсин ёки антропоген, айнан географик муҳит кечади. Айнан географик муҳитнинг ҳолатини ҳар бир минтақадаги экологик вазиятни белгилайди. Бундай вазиятда умумтаълим мактабда таълим-тарбиявий ишларнинг устувор йўналишларидан бири сифатида ўқувчиларнинг юқори даражадаги экологик ва географик маданиятини шакллантириш вазифаси ўрин олиши керак.

Мавзунинг долзарблиги. Янгиланаётган замонавий фан сифатида эътибор қозонаётган экологияга ўтиш жараёни принципиал жиҳатдан янги интегратив илмий йўналишларнинг пайдо бўлиши билан тавсифланади. Бу соҳага атроф-муҳитга йўналтирилган билим соҳалари ҳам киради. Шу маънода географик билимлар ва экологик гуманистик ғояларга асосланган барқарор ривожланиш назарияси синтези натижасида вужудга келган геоэкологиянинг шаклланиши муҳим аҳамиятга эга. Чунки ҳозирги вақтда жамият ва табиат ўртасидаги мавжуд қарама-қаршиликлар, қатор экологик ва географик муаммоларнинг пайдо бўлишига олиб келмоқда. Ушбу муаммоларнинг пайдо бўлиши, табиий-географик фанлар учун интегратив, фанлараро аҳамиятга эга бўлган географик ва экологик маданиятни янада чуқурроқ ўрганиш зарурлиги янгича аҳамият касб этмоқда. Қолаверса, бугунги кунда, инсоннинг табиатга кириб келишининг салбий оқибатларини олдини олиш учун, оқибат экологик ва географик муаммоларга олиб келадиган бир қатор ижтимоий-сиёсий, ахлоқий, педагогик, иқтисодий масалалар ечимини топиш тақозо этилмоқда.

Шу билан бирга, таълим янги маданият – барқарор ривожланиш маданиятини шакллантиришнинг асосий ижтимоий институти бўлиб қолмоқда. Ушбу контекстда таълим тизими барқарор ривожланишга ўтишда етакчи роль ўйнашга мўлжалланган инсон фаолиятининг стратегик муҳим, асосий соҳаси сифатида белгиланмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Илмий доираларда экологик таълим ва экологик маданиятни шакллантириш масаласига бағишланган илмий изланишлар, илмий тадқиқотлар хорижий олимлар ҳамда Ўзбекистон олимлари томонидан ҳам олиб борилган[1]. Бироқ, геоэкологик маданиятни шакллантиришга доир

[1] Кузнецов, Л.А. Проблемы управления экологическим образованием [Текст]: / Л.А. Кузнецов. – География и экология в школе XXI века. – 2004. – №9.; Лазаревич, Н.А. Биотехнологические проблемы современной социальной экологии [Текст]: / Н.А. Лазаревич. – Минск: Белорусская наука, 2006.; Рипачева Е.А. Экологическое воспитание в России и англо-язычных странах в Великобритании и Канаде. – URL: http://www.dslib.net/obw-pedagogika/jekologicheskoe-vospitanie-v-rossii-i-anglojazychnyh-stranah-v-velikobritanii-i.html; Церцек, Н.Ф. Экологическое образование и просвещение в зеркале социологии [Текст]: / Н.Ф. Церцек. – Вестник экологического образования в России. – 2004. – №2.; Дагбаева, Н.Ж. Школьное экологическое образование для устойчивого развития местного сообщества [Текст]: / Н.Ж. Дагбаева. – География и экология в школе XXI века. – 2004. – №7. – с. 36-42, 48. 8. Шумакова И.Л. Экологическое воспитание младших школьников URL: http://festival.1september.ru/articles/213264/; Яковлева, Э.Л., Григориева, О.В. Баибакова, Э.В. (2014) Экологическая культура [Ecological Culture]. Казань: Познание.; Ситаров, В.А. Пустовойтов, В. В. (2000) Социалъная экология [Social Ecology]. М.: Академия.; Шишин, М.Ю. (2008) Ценностно-мировоззренческие основания экологической культуры [Axiological bases of ecological culture]. Ин: Захаров, В.М. Формирование экологической культуры и развитие молодёжного движения [Formation of ecological culture and development of youth movement]. М.: Акрополл, Центр экологической политики и культуры.; Payne, D. G. (1996) Voices in the Wilderness: American Nature Writing and Environmental Politics. Hanover & London: University Press of New England.; Kohls, L.R. (n.d.) The Values Americans Live By. [Online] Available from: http://www1.cmc.edu/pages/faculty/alee/extra/American_values.html.; Steele, E.D. & Redding, W.C. (n.d.) The American Value System: Premises for Persuasion. [Online] Available from: http://changingminds.org/explanations/values/american_values.htm.

амалга оширилган илмий тадқиқотлар ушбу муаммога илмий тавсиф бериш даражаси етарли эмаслигини таъкидлаш лозим.

Ўзбекистонда экологик маданият муаммоларини ўрганишда кўпроқ ижтимоий-фалсафий йўналишдаги тадқиқотлар олиб борилган. Улардаги талқинга кўра, экологик маданият – ҳозирги ва келажак авлодлар учун экологик муаммолар ечимини топиш ва улкан масъулият эканлигини англаш ва шу асосда фаолият юритиш муайян давлат ва жаҳон маданиятининг ривожланган босқичи ҳамда таркибий қисми[1] ҳисобланади.

Айрим тадқиқотларда экологиянинг маънавият ва миллий қадриятлар билан алоқадорлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. "Инсон маънавияти, ўзи яшаб турган жамиятнинг ижтимоий ва руҳий муҳитига боғлиқ". Маънавият бу кишининг билимлари, унинг ҳаётида синовлардан ўтиб, руҳига сингиб, бутун ҳаёт тарзида акс этадиган табиий ижтимоий сифатидир[2].

Экологик маданият бўйича олиб борилган тадқиқотларда социологик ёндашув асосида илгари сурилган экологик маданият ҳақидаги мулоҳазалар ҳам диққатга сазовор[3].

Демак, экологик маданият мавзусининг ўрганиш жараёни яхши йўлга қуйилган. Бироқ, геоэкологик маданиятни ўрганишга илмий ёндашув долзарб муаммога айланмоқда.

Муаммонинг қўйилиши. Экология фан сифатида жамият ва табиат ўртасидаги оптимал муносабатларнинг янги усуллар орқали тўлиқ ривожлантириш учун кучли салоҳиятга эга. Бироқ, экология фани географик майдондан ташқарида мавжуд бўлиши ва ривожланиши мумкин эмас, чунки барча экологик ҳодиса ва жараёнлар Ер географик қобиғидаги турли-туман унсурларининг ўзаро алоқадорлиги ва ўзаро таъсиридан иборатдир. Бундай ўзаро алоқадорлик ва ўзаро таъсир қонуниятларини билиш ва тушуниш экологик-географик маданиятнинг биринчи ва ажралмас вазифаси ҳисобланади. Шундан аён бўладики, бошқа илмий билимларнинг тармоқлари каби, экология ривожланишнинг қонунийлик босқичларини қамраб олади, яъни замонавий жамиятни англаши лозим бўлган, келажак авлод экологик ва географик таълим ва тарбиясининг узлуксиз узвий боғланган тизимини яратишга қодир бўлган, бирламчи таснифлардан улкан башорат имкониятларга эга бўлган чуқур илмий назариялар унинг ўрганиш ва тадқиқ доирасидадир.

Шундан келиб чиқиб, геоэкологик маданиятни шакллантириш жараёнида география фанининг устувор мақомини ўрганиш ва илмий асослаш ўзига хос мазмун касб этмоқда. Бинобарин, мавжуд адабиётлардаги таърифларга таянган ҳолда, геоэкология тушунчасига ихчам таъриф келтириб, унинг моҳиятига асосланиб, муаммони ўрганиш жиҳатларини ёритишга ҳаракат қиламиз.

Маълумки, Олий таълим тизимидаги айрим мутахассисликлар талабалари учун "Геоэкология асослари" номи билан курс ўқитилади. Унда Геоэкология тирик организмнинг атроф муҳит билан бўлган муносабатини ҳудудда ёки глобал миқёсдаги биосферада амалга оширилишини ўрганади. Яъни ўзаро муносабатни ҳудудда, маконда мавжуд бўлиши "геоэкология" тушунчасига мос келади. Ғарб олими П.Хаггетнинг[4] аниқлашича: Географлар икки бош тизимнинг структураси ва ўзаро таъсирини ўрганиш билан шуғулланадилар: 1) экологик тизим – у инсонни атроф муҳит билан муносабатини ўрганади; 2) ҳудудий тизим – бир район (ҳудуд) қўшни бошқа район билан турли оқимлар асосида боғланган. Бошқа олим, Б.Лавров[5] фикрига кўра, иккала тизим геоэкологиянинг мазмунини ташкил қилади. Бошқача айтганда, геоэкология ҳудудда тирик организмнинг атроф муҳит билан бўлган ўзаро алоқасини ўрганади.

Геоэкология – экологиянинг барча қонуниятларини географик жараёнларга қўйиш, деб тавсифланади, яъни ҳудудий тамойил татбиқ этилади. Ёки ландшафт ҳамда бошқа табиат комплексларида экологик қонуниятлар ва жараёнларни ўрганади.

[1] Нигматов А.И. Экология: асосий атама ва иборларнинг изоҳли лугати. - Т., 2002, 15-16 бетлар.

[2] Зиёмухамедов Б. Экология ва маънавият. - Т., 1997, 4-бет.

[3] Ожегов Ю.Т., Никонорова Е.В. Экологический импульс. - М. Молодая гвардия, 1990, 256 бет.

[4] Хаггет П., География: синтез современных знаний. – М.:Прогресс, 1979. – 212-бет.

[5] Лавров С.Б. В каком мире мы живем? – СПб.: Время, 2001. – 18-бет.

Демак, геоэкология тушунчаси, билимнинг географик, экологик ва ижтимоий (геоэко-ижтимоий) тизим моделидан фойдаланиб, фазовий-вақт ўлчовида, инсоннинг атроф-муҳит билан экологик муносабатларининг барча хилма-хиллиги ва диалектикасини ўрганади. Шу нуқтаи назардан, геоэкология, географик билимларнинг экологик йўналтирилган соҳаси сифатида, барқарор ривожланиш маданиятини шакллантиришда, ўзига хос аҳамиятга эга. Демак, геоэкологик маданиятни шакллантириш жараёни маълум маънода географик ва экологик маданиятларни муштарак ривожлантириб, уларнинг ўзаро чамбарчас боғлиқлигидан фойдаланиб барқарор ривожланишни таъминловчи мустаҳкам омилни яратишдир. Бу жараёнда таълим тизими қандай роль ўйнайди? Ўқитиш методикаси, турли педагогик ёндашувлар қайси вектор томон қаратилиши лозим? Геоэкологик маданиятни шакллантиришда географик ва экологик билимларнинг қайси жиҳатларига эътиборни кучайтириш лозим? Ушбу саволларга жавоб излаш илинжида амалга оширилган тадқиқот қандай янги ёндашув ва янги парадигмаларни тақозо этади?

Тадқиқот ва ўрганиш натижалари. Мактаб географик таълими орқали геоэкологик маданиятни шакллантириш масалалари атрофида мулоҳаза юритиб, ушбу мавзуни илмий муаммо сифатида ёритиш мақсадида амалга оширилган илк ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, педагогик тадқиқот нуқтаи назаридан геоэкологик маданиятни шакллантириш методикаси долзарб мавзулар кун тартибидан ўрин олган. Бинобарин, ушбу йўналишда мавжуд ва қилиниши зарур бўлган илмий-тадқиқот ишлар ўрганилди ва гипотеза шакллантирилди.

Маълум бўлишича, тарих саҳифаларидан ўрин олган, барқарор ривожланиш муаммоларига бағишланган Бутунжаҳон саммитида (2002)[1] таълимга алоҳида эътибор берилган эди. Сўнг, бу йўналишда халқаро фаолиятни мувофиқлаштиришни таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Уларда бугунги куннинг асосий вазифаси замонавий инсонни ижтимоий маданиятининг таркибий қисми сифатида барқарор ривожланиш учун экологик маданиятни шакллантириш, одамзоднинг тез ўзгарувчан ижтимоий-табиий шароитларда яшашга тайёрлигини ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан экологик йўналтирилган шахсий хусусиятларини ривожлантиришга қаратилганлиги эътиборга сазовор.

Шу муносабат билан экологик таълим барқарор ривожланиш учун экологик таълимнинг маданиятга йўналтирилган модели сифатида, умумий таълим тизимига киритилиши, ўқувчиларни экологик маданиятнинг ижтимоий тажрибаси билан таништириш усулларини ўзлаштиришга йўналтириш ва экологик таълимнинг шахсий тажрибасини шакллантиришга йўналтирилиши керак. Ушбу муаммони ҳал қилишда муайян ва аниқ йўналтирилган тизимни шакллантириш роли экологик таълимга юкланган бўлиб, унга барқарор ривожланиш манфаатлари йўлида барча таълим тизимларини янгилашнинг стратегик йўналиши сифатида қаралади.

Дунёнинг кўп мамлакатларида, барқарор ривожланишни таъминлаш йўлида зарур бўлган экологик маданиятни шакллантириш вазифалари мактаб таълимидаги фанларнинг мазмун моҳиятида асосий ўрин эгалламоқда. Шу муносабат билан, таълим жараёнининг услубий асослари, мақсадлари, мазмуни, технологиялари, усуллари ва натижаларини сезиларли даражада ўзгартириш билан бирга, барқарор ривожланишни таъминловчи омил саналмиш экологик маданият доирасида, бутун таълим тизимини қадрияти ва мақсадларини қайта йўналтириш жараёни кечмоқда.

Хуш, мактаб географияси таълими орқали геоэкологик маданиятни шакллантириш масалалари доирасида қандай амалий-услубий ва илмий-назарий чоралар амалга оширилмоқда? Таъкидлаш жоизки, мактаб географияси, барқарор ривожланиш учун экологик таълимнинг янгича маданиятга асосланган моделини амалга оширишда, етарли маданий ва экологик салоҳиятга эга. Айнан шу мазмунда, бир қатор назарий, илмий

[1] https://www.un.org/ru/conferences/environment/johannesburg/2002 (мурожаат санаси - 08.02.2023)

ва услубий тадқиқотларда[1] географик таълимни маданият контекстида экологизация қилишнинг турли жиҳатлари ёритилган. Ушбу адабиётлар муаллифларининг таъкидлашича ҳозирги босқичда географик таълимни экологизация қилиш жараёнлари маданий, экогуманистик, аксиологик, праксиологик маънолар билан тўлдирилиб, янги экологик-маданий таълим маконини шакллантирмоқда. Мактаб географиясини экологизация қилишнинг концептуал асослари ишлаб чиқилмоқда.

Экогуманистик маънода деганимиз, экогуманистик жиҳатлар асосан атроф-муҳитни мослашиш, сақлаш, оптималлаштириш нуқтаи назаридан инсон тасаввурларини ривожлантирса, аксиологик маънодаги тўлдиришлар геоэкологиянинг аксиологик компонентини амалга оширади, яъни биргаликда эволюцион қадриятлар асосий қадриятлар сифатида, улар орқали инсон фазо доирасида ҳаётий фаолиятини ташкил қилишдаги табақалаштирилган эволюцион-ўзгарувчан муҳитни ташкил этишини талқин этади. Праксиологик компонент эса, геоэкологиянинг конструктив география ғоялари билан генетик боғланганлигини ёритади.

Мактаб географиясини экологизация қилишнинг умумий асослари билан бир қаторда унинг ҳудудий компонентлари ҳамда ўқув-дидактик асослари мустаҳкамланмоқда. Яъни, экологик-географик мазмундаги қатор дастурлар ва ўқув қўлланмалар ишлаб чиқилиб, мактаб амалиётига жорий этилмоқда.

Адабиётлардаги маълумотларга кўра, кўпгина методист-олимлар[2] мактаб географиясини экологизация қилишнинг ҳозирги босқичини геоэкологик таълим билан боғлашади. Ҳатто бу йўналишда етакчи ёндашувлар ишлаб чиқилган бўлиб, улар илмий асосланган даражада тақдим этилмоқда. Айтиш мумкинки, ушбу ёндашувлар, асосан, геоэкологик, экогуманистик, маданий-экологик ҳамда ландшафт-муҳит тамойилларига йўналтирилган характерга эгадирлар.

Геоэкологик таълимнинг назарияси ва методикаси ишлаб чиқилмоқда, мақсадлари, мазмуни, технологиялари аниқланиб долзарблик масаласи ўрганилмоқда. Экологик-географик таълим маконида барқарор ривожланиш манфаатлари йўлида экологик таълим ғояларини англаш муаммоси янгиланмоқда.

Шу билан бирга, илмий-услубий тадқиқотлар ва мактаб амалиётини таҳлил қилиш натижалари, бизга, геоэкологик маданиятни шакллантириш муаммоси барқарор тараққиётни таъминлашга қаратилган янги маданият модели доирасида, географик таълимни экологизация қилиш мақсади, геоэкологик маданиятнинг шакллантириш муаммоси сифатида географияни ўқитишда назарий ва услубий ниманидир қайта англаниши шарт эмас, деган хулоса чиқаришга имкон беради.

Шу билан бирга, бизнингча, аслида мактаб амалиётида геоэкологик маданиятни шакллантириш жараёнида маълум тўсиқлар мавжудлигини таъкидлаш лозим. Бундай тўсиқлар географик таълим мазмунига турли геоэкологик жиҳатларни киритишдаги узуқ-юлуқлик, изчил эмаслик каби номувофиқликларнинг аксидир. Шу муносабат билан геоэкологик мазмунни танлаш, тизимлаштириш, уни ўрганиш кетма-кетлиги ва технологиясини аниқлаш билан боғлиқ методик муаммолар борлиги аниқланган. Уларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, геоэкологик маданиятни қадрият сифатида англаш бўйича тўсиқлар, асосан мактаб ўқувчиларининг қадрият йўналишидаги чалғиш ёки адашиш ҳолатлари билан боғлиқ. Чунки уларнинг аксариятида "мослашувчи" ижтимоий-табиий маконга бўлган муносабатларида прагматик стереотиплари ҳукмронлик қилади. Яъни, эмпатия, бағрикенглик, фуқаролик ва ватанпарварлик каби шахсий ўта муҳим экологик йўналтирилган фазилатларни ривожланти-

[1] Тикунов В.С. Актуальные вопросы и проблемы геоэкологии // Вестник Московского университета. Серия 5. География – 2011, №4.; Тикунов В.С., Сладкопевцев С.А., Дроздов С.Л. Актуальные вопросы и проблемы геоэкологии. М.: Изд-во МИИГАиК, 2008. — 260 с; Золотова О.А., Колесова М.Л., Вопросы экологии на уроках географии: Учебно-методические материалы в помощь учителю / Научн. ред. Л. А. Кор обей никова . – Вологда: Изд. центр ВИРО, 2005. – 196 с.

[2] Алсынбаева М.А. Педагогические условия формирования геоэкологических исследовательских умений старшеклассников: диссертация ... кандидата педагогических наук : 13.00.01.- Стерлитамак, 2006.- 239 с.; Золотова О.А., Колесова М.Л., Вопросы экологии на уроках географии: Учебно-методические материалы в помощь учителю / Научн. ред. Л. А. Кор обей никова . – Вологда: Изд. центр ВИРО, 2005. – 196 с.

риш маълум даражада эътибордан четлашиб қолган. Айтиш мумкинки, геоэкологик компетенция тўлиқ шаклланмаган. Натижада, фаолият тўсиқлари мактаб ўқувчиларининг турли даражадаги ҳудудларни барқарор ривожлантиришга қаратилган ижодий маданий фаолиятга суст ифодаланган истаги билан тавсифланади.

Юқоридаги мулоҳазалар асосида, кўриб чиқилган масалалар бўйича келажакда илмий тадқиқот ишларини самарали ташкил этиш мақсадида, бир қатор илмий нуқтаи назардан аниқланган зиддиятларни таъкидлаш лозим бўлади. Ушбу зиддиятлар, асосан:

биринчидан, барқарор ривожланишга ўтишда асосий маданият сифатида экологик маданият контекстида таълимни модернизация қилиш билан боғлиқ *жамиятнинг ижтимоий буюртмаси* ва *мактаб географиясид*а ушбу муаммонинг назарий ва услубий жиҳатдан етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги ўртасида;

иккинчидан, барқарор ривожланишга эришишда экологик таълимнинг етакчи роли шароитида мактаб ўқувчиларининг геоэкологик маданиятини шакллантиришни фалсафий, услубий ва назарий асослаш зарурати билан география ўқитиш назарияси ва методологиясида бундай асослашнинг йўқлиги ўртасида;

учинчидан, билишнинг гео-эко-ижтимоий тизимли моделидан фойдаланаётган геоэкологиянинг географик билимларнинг илмий экологик йўналтирилган соҳаси сифатидаги ноёб маданий-экологик салоҳияти билан география ёрдамида мактаб ўқувчиларининг геоэкологик маданиятини шакллантиришда ушбу салоҳиятдан фойдаланишнинг услубий ишланмалари суст ривожланганлиги ўртасидаги зиддиятлар.

Геоэкологик маданиятни шакллантириш билан боғлиқ муаммони тадқиқ этишда айнан ушбу зиддиятлар бош мезон сифатида хизмат қилиши керак ҳамда тадқиқот йўналишини белгилаб бериши лозим, деб уйлаймиз.

Хулоса ва тавсиялар. Шундай қилиб, барқарор ривожланишни таъминлашга қаратилган геоэкологик маданиятни шакллантириш жараёнида, экологик таълим доирасида мактаб географиясини экологизация қилиш жараёнлари билан боғлиқ назария ва методологияни ишлаб чиқиш муаммоси алоҳида тадқиқот ишларини тақозо этади. Бундай тадқиқот ва илмий изланишлар мақсадини белгилашда, бизнингча, барқарор ривожланишга эришишда экологик таълимнинг етакчи ролини инобатга олган ҳолда, мактаб географияси ёрдамида геоэкологик маданиятни шакллантириш методологиясини назарий асослаш ва ишлаб чиқиш зарур. Унда, экологик таълимнинг маданиятни шакллантириш парадигмаси контекстида мактаб географиясини экологизация қилиш жараёни объект ролини бажариши назарда тутилиши керак.

Мактаб ўқувчиларининг геоэкологик маданиятини самарали шакллантириш учун:

- мактаб географиясини экологизация қилиш жараёнининг хусусиятларини очиб берувчи геоэкологик маданиятни шакллантиришнинг назарий ва услубий асослари аниқланиши лозим;
- педагогик тадқиқот методологиясининг иерархик даражаларининг бирлиги ва узлуксизлигида геоэкологик маданиятни шакллантиришнинг концептуал асослари қўлланиши керак;
- географияни экологизация қилишнинг стратегик мақсади сифатида геоэкологик маданиятни шакллантиришнинг яхлитлигини таъминловчи геоэкологиянинг гео-эко-ижтимоий тизими модели асосида таркибни танлаш ва тизимлаштиришни назарда тутувчи методологик тизим ишлаб чиқилиши зарур;
- таълим натижаларини шахснинг геоэкологик компетенцияси ва маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантиришга йўналтирилиши керак;
- геоэкологик таркибни бирлаштиришни таъминловчи глобал, минтақавий ва маҳаллий таълим геоэкологик моделлари ишлаб чиқилиши даркор;
- геоэкологик маданият шахснинг ижтимоийлашуви ва ўзини-ўзи ривожланишини таъминлаш учун услубий шарт-шароитлар белгиланиши керак;
- география таълими мактаб ўқувчиларининг геоэкологик маданиятини шакллантиришнинг педагогик воситаси сифатида методикаси ишлаб чиқилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Зиёмухамедов Б. Экология ва маънавият. - Т., 19
2. Карабукаев К.Ш. Экологическая культура общества. Теория и практика. – Бишкек: Maxprint, 2018.
3. Лавров С.Б. В каком мире мы живем? – СПб.: Время, 2001.
4. Нигматов А.И. Экология: асосий атама ва иборларнинг изоҳли лугати. - Т., 2002.
5. Ожегов Ю.Т., Никонорова Е.В. Экологический импульс. - М. Молодая гвардия, 1990.
6. Хаггет П., География: синтез современных знаний. – М.: Прогресс, 1979.
7. Яздонов З.Ш. Ўзбек халқ экологик маданияти анъаналарини тиклаш ва ривожлантириш тенденциялари. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Самарқанд, 2019.